



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2019 A. nomligi O'zbekiston MK

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2019-yil 27-noyabr, chorshanba * № 44 (1156)

ЯШИРИН ТАХДИД



Бутун дунёда глобаллашув, маданиятлар аралашуви жараёни кечмоқда. Бу мураккаб жараён нафақат ёшларга, балки катталар дунёқарашига ҳам таъсир этмоқда. Бир томондан ахборот технологиялари кундалик ҳаётимизга шу қадар шиддат билан кириб келяптики, буни ҳеч қандай рақамларсиз ҳам кузатишимиз мумкин.

⇒ 3-бет

ГУРУЧ КУРМАКСИЗ БЎЛМАЙДИМИ?



Ислохотлар жараёнидаги ўзгаришларга қарамай, соҳада ҳали амалга оширилиши зарур бўлган ишлар талайгина. Айрим туманлар маъмурий судлар судьялари томонидан ҳеч бир қолибга сиғмайдиган (вафот этган одамнинг гувоҳлиги каби) қарорлар чиқарилаётгани ва бундай ҳолатлар аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётгани қайд этилди.

⇒ 4-бет

ДАРЁДЕК УЙФОҚ ШОИР



Чиндан ҳам Ҳамид Олимжон ўзининг қисқа умрида дарёдек тўлиб, ҳайқириб, тўлқинланиб, Ватанига талпиниб яшади ва ижод қилди. У ўз шеърларининг ритмини, оҳангини, ифода усуллари билан белгилашда ҳам дарёдан улғу олди.

⇒ 5-бет

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР

Ўзаро ҳамкорлик

ТОШКЕНТ. 25 ноябрь куни Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссиясининг АҚШ давлат департаменти аъзолари билан видеоконференция шаклидаги биринчи мулоқоти бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева иштирок этди ва нутқ сўзлади. Тадбирда мамлакатимизда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар хусусида ўзаро фикр алмашилди.

Татаристон Президенти — Самарқандда

САМАРҚАНД. Татаристон Республикаси Президенти Рустам Миннихонов 25 ноябрь куни мамлакатимизга таширфини Самарқанддан бошлади.

Айни пайтда юқори мартабали меҳмон юртимиздаги татар миллати вакиллари билан учрашув ўтказмоқда. Таширф дастуридан Самарқанд билан яқиндан танишиш ҳамда вилоятдаги ишлаб чиқариш корхоналарида бўлиш ўрин олган.

Япониялик журналистлар саёҳати

СУРХОНДАРЁ. Япониянинг етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари ўшбу вилоятда бўлди. Кунчиқар мамлакат журналистлари икки кун давомида қадимий воҳанинг тарихий-археологик, маданий ёдгорликлари ва бошқа диққатга сазовор жойлари билан танишди.

Жорий йилнинг 19 ноябрдан буён Тошкент шаҳри, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида меҳмон бўлган япониялик журналистлар ишлаб чиқариш корхоналари, миллий ҳунармандчилик анъаналари, тарихий меъморий обидаларни, узоқ ўтмишдан ҳикоя қиладиган музейларни бориб кўрди. Қадимий гўшалар бўйлаб сайр қилди.

Марказдан умид катта

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Германиянинг йирик клиникалари ҳамда тиббий техникалар ишлаб чиқарувчи компаниялари ҳамкорлигида Нукус шаҳридаги У. Холмуродов номи республика кўп тармоқли тиббиёт маркази қошида "Германия — Ўзбекистон тиббий консултация ва диагностика маркази" ташкил этилди.

Ўшбу марказ учун Германиянинг "Heinemann Medizintechnik" ва "Greiner" компаниялари томонидан бегараз ёрдам сифатида ажратилган кулоқ, оғиз, бурун касалликларини даволашда қўлланиладиган, шунингдек, жарроҳлик амалиётларини бажаришда фойдаланиладиган зарур тиббий ускуналар етказиб берилди. Ҳамкор давлат "KfW" банкнинг имтиёзли кредити асосида МРТ аппарати ҳам олиб келинди. Немис клиникалари врачлари билан телемедицина асосида консултациялар ўтказиш учун махсус хона жиҳозланди.

Аутсорсинг усулида соғлом овқатланиш

НАМАНГАН. Республикаимиздаги давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари орасида биринчилардан бўлиб, Наманган шаҳрида аутсорсинг (ортиқча харажатларсиз сифатли хизмат) тизими жорий этилди.

Шаҳардаги 3-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатда "Муассасада соғлом овқатлантиришни аутсорсинг усулида ташкил этиш" мавзусида семинар ўтказилди. Мазкур таълим муассасасида "Kids food sales" МЧЖ билан ҳамкорликда тажриба тариқасида ўқувчиларнинг аутсорсинг усулида соғлом овқатлантирилиши йўлга қўйилди.

Семинарда вилоятдаги барча 20 та давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари, 8 та махсус мактаб-интернат директорлари ва ҳўжалик ишлари бўйича масъуллар қатнашди. Унда муассаса ошхонасининг жиҳозланиши, тайёр маҳсулот ва таомлар, озиқ-овқат маҳсулотларини оморда сақлаш бўйича намунавий кўрғазма ташкил этилди.

Ўз мухбирларимиз.

Ифтихор



Сурат: Бухоро шаҳридаги ихтисослашган санъат мактабида ёшларнинг ҳуқуқий билимини оширишга ҳамда Конституцияимизнинг мазмун-моҳияти, яратилиш тарихи, моддалари шарҳи, жамият ва шахс ҳаётидаги аҳамияти хусусида кенг тушунча берилмоқда.

КОНСТИТУЦИЯМИЗ — БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Тошкент шаҳридаги Яшнобод тумани халқ таълими бўлимига қарашли 156-умумтаълим мактабида ўтган навбатдаги ҳуқуқий-маърифий учрашув ана шундай — "Конституцияимиз — бахтимиз қомуси" деб аталди.

Халқ таълими фахрийлари, педагоглар, ўқувчи-ёшлар, уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийлар иштирок этган тадбирда мазкур мактаб директори Муборак Ҳамдамова,

ўқув тарбиявий ишлари бўйича директор ўринбосари Бахтиёр Арслонов, "Миллий истиқлол ғояси ва давлат ва ҳуқуқ асослари" фани ўқитувчиси Ширин Милибоева ва

бошқа иштирокчилар мамлакатимиз Конституцияси — тарихий ҳужжат, халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси эканини алоҳида таъкидлади. Асосий қонунимиз — истиқлолимиз ва мустақил Ўзбекистонимиз рамзи, гурур-ифтихори, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, дини, irqи, тилдан қатъи назар, барча учун

мустаҳкам ҳимоя, фуқаролик жамияти истиқболини аниқлаб берувчи дастуриламалдир. Бош қомусимизда ёшларнинг илм олиш ҳуқуқи ҳар томонлама кафолатланган. Мамлакатимизда замонавий ўқув ва ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, ихтисослаш-

ган махсус мактаб-интернатлар, мактабдан ташқари ва мактабгача таълим муассасаларининг бунёд этилгани ёшларнинг юксак салоҳиятли инсонлар бўлиб камол топишига, Ватанимиз тараққиётининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида юртимизда таълимни ривожлантириш, ёшларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллаши учун барча шароитларни яратиш борасида кенг қўламли вазифалар белгилаб берилган.

Учрашувда Конституцияимизнинг яратилиш тарихи, унинг демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва инсон манфаатларини таъминлашдаги аҳамияти, халқчилиги, халқаро ҳуқуқ нормаларига мослиги ҳақида атрафлича маълумот берилди. "Конституция — ҳуқуқ ва эркинликларимиз, фаровонлигимиз кафолати", "Ўзбекистон Конституцияси — барқарор ҳужжат" мавзуларида маърузалар тингланди. Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

Бош қомусимиз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини изчил либераллаштириш ва модернизация қилиш, таълим, фан, маданият ҳамда маънавият ривожига муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётган, — дейди "Миллий истиқлол ғояси ва давлат ва ҳуқуқ асослари" фани ўқитувчиси Изаура Сеибуллаева.

Мактабнинг юқори синф ўқувчилари Конституцияимизнинг 27 йиллигига бағишлаб сажалаштирган ёрқин мусиқали дастур тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Юсуф Жўраев.

Мулоҳаза

"Иннанкейин-чи?.."

ёки бугунги "шумбола"ларнинг шумлигидан кимга наф?

Машҳур турк ёзувчиси Азиз Несиннинг "Демократия шунқори" номи асари бор. Ҳеч қандай маълумоти йўқ, аммо ёзишга ишқибоз чала мухбир тилидан ёзилган ғоят юморга бой ҳикоя. Ёзувчининг қаҳрамони отасидан мерос қолган дўкон иши билан машғул бўлса-да, кутилмаганда ёзиш-чишига қизиқиб қолади. Пешонани қарангки, ёзган йигирма икки қоғозли мақола-ласидан бор-йўғи беш-олти сатри газетада чоп этилади-ю, у ўзини кўпнинг оғзига тушган даҳодек санай бошлайди ва шундан сўнг ёзишга муккасидан кетган болшловчи мухбир "ижод" намуналарини пешма-пеш нашрларга жўнатаверади. Аммо ҳеч бири босилмайди.

4

Бизнинг суҳбат

Аҳмад бин Саид ал-КАСИРИЙ:

"Ўзбекистоннинг янги парламентини масъулиятли вазифалар кутмоқда"

Ўмон Султонлиги Ўзбекистоннинг араб оламидаги муҳим ҳамкорларидан бири саналади. 2019 йил юртимизда сайлов йили экани маълум. Ўмонда ҳам жорий йил 27 октябрь куни мамлакат парламентининг қуйи палатаси — Маслаҳат кенгашига (Мажлис ал-Шўро) сайлов бўлиб ўтди. Султонликнинг юртимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Аҳмад бин Саид ал-Касирийга сайловлар ҳамда ўзаро ҳамкорликка доир саволлар билан муурожаат қилдик.

— Элчи жаноблари, Ўмон Султонлиги сиёсий ҳаётида муҳим ҳодиса — Маслаҳат кенгашига (Мажлис ал-Шўро) сайлов якунлари ҳақида маълумот берсангиз.

— Маслаҳат кенгаши сайлови ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтди. Муҳим сиёсий тадбирда электротар — сайловчилар фаол иштирок этди. Ижтимоий келиб чиқиши, мавқеидан қатъи назар барча номзодлар иқтидори ва салоҳиятига кўра, муносиб овоз олди ва шу тариқа 2020-2023 йилларда фаолият олиб борувчи қуйи палата таркиби шакллантирилди.

Сайлов якунига кўра, Маслаҳат кенгашидаги 86 та ўриндан иккитасини аёл номзодлар эгаллади.

2015 йилда 611 907 сайловчи рўйхатга олинган бўлса, бу гал электротар 713 335 кишига етди.

Мен сайловолди кампанияси уюшқоқлик билан ўтказилганини таъкидлашни истардим. Бу гал олис ҳудудлар ва қишлоқлар аҳолиси ҳам алоҳида фаоллик кўрсатди. Ўмон халқи парламентдаги вакиллари орқали ўз хоҳиш-этигани намён этишга жиддий эътибор қаратмоқда. Аҳоли, шунингдек, эркин матбуот ва ижтимоий тармоқлар орқали ўз фикрини эмин-эркин билдирмоқда. Бу эса халқ ва бошқарув идораларини янада яқинлаштирмоқда.

— Хабарингиз бор, жорий йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Олий Мажлиси Конунчилиги



палатаси ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайлов бўлиб ўтди. Юртимизда кечаётган сайловолди жараёни ҳақида қандай фикр-дасиз?

— Албатта, мамлакатингиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараённи оммавий ахборот воситалар орқали кузатиб бормоқдамиз. Сайловолди кампанияси ўзгача кечяпти. Бу борада "Янги сайловлар — янги Ўзбекистон" шиори танлангани ҳам бежиз эмас.

3

ОБУНА — 2020



Келгуси йил учун обуна давом этмоқда.

Азиз юртдошлар, "HURRIYAT" га ошно юраклар — севимли нашрингизга обуна бўлинг! "Ўзбекистон почтаси" АЖ ва "Матбуот тарқатувчи" АК филиаллари ҳамда соҳага тааллуқли бошқа корхоналар орқали обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

1 Тақдир ҳазилини қарангки, унга яқинда ташкил этилган газета таҳририятидан “бизга ноёб хабарлар юбориб туринг”, деган мазмунда хат келади. Унда: “Беш киши бир кишини ўлдириши мумкин, бунга ишонса бўлади. Аммо бир киши бештасини ўлдирса-ю, кейин мурдаларни бир бошдан ея бошласа, бу ноёб хабар ҳисобланади. Яна бир гап: бирор футбол ўйини пайтида ишқибозлар судьяни тутиб урадиган бўлса, қўяверинг, бу бўладиган гап, лекин ишқибозлар судьядан калтак еган бўлса, бундай хабарни жон деб босамиз”, дейилади.

Омади чопган чала мухбир бундай тўқима хабарлар режасини дўндириб бажаради. Бир гал янги қўзилаган қўйлар ва сал нарида юрган эшакни кўриб қолиб, “Эшак қўзи туғди” сарлавҳали мақола жўнатади. Ҳаял ўтмай, газетанинг учинчи бетида босилиб чиққан мақола шундай бошланади: “Мухбиримиз хабар қилади: кеча бизнинг шаҳарда қирқ бешга кирган эшак иккита қўзи туғди”...

“Иннанкейин-чи?..”

ёки бугунги “шум бола”ларнинг шумлигидан кимга наф?

Кейинги пайтларда дунёда ахборот олами ҳайрат ва ларзага солаётган ярим-ёрти ва аксарият бетайин хабарларнинг шиддат билан кўпайиб бораётгани ўша “Демократия шунқори”ни эслатади. Майда-чуйда маиший муаммолар, ким кимни уриб-сўққанидан тортиб, айрим қўшма, ясама гаплар интернет олами босиб кетди. Блогерларнинг ҳаммаси ҳам бежама хабар тарқатмайди, албатта. Уларнинг орасида олий маълумотли, ўқимишли, ўз фикрига эга, даражаси журналистга яқинлари талайгина. Аммо ижтимоий тармоқларда ҳозирча тарқатмаган хабарлардан фақатгина “эшак эгиз қўзи туққани” қолди.


Айниқса, мажбурий меҳнатга жалб этиш ҳақидаги гаплар аксарият сайтлар, уйдабурон блогерлар томонидан сакчи каби чайналдики, “маза-матра”-сига пугур ета бошлади. Ҳатто халқимиз қадрияти ҳисобланган хашарни ҳам мажбурий меҳнат дейишди. Мисол учун, жорий йил таълим даргоҳларида ўқув йили бошланишидан аввал сайтлардан бирида “мактаб ўқитувчилари мажбурий меҳнатга жалб қилинган” ҳақида кетма-кет ёзилди. Бу қандай меҳнат эди дейсизми? Бор-йўғи бир мактабнинг ўқитувчилари ўзлари меҳнат қилаётган мактаб ҳовлисидан ерни юмша-

ладиган барча-барчанинг бахри-дили яйрамайдими? Қолаверса, тозалик соғлом ҳаёт гарови эканини боғча боласи ҳам билади. Наҳотки, шу юмушлар ҳам “мажбурий меҳнат” бўлса?! Ўз ҳовлидаги ерни биров келиб тозалаб бермайди-ку!

Қолаверса, ўсмир-ёшларни атроф-муҳит тозалигига риоя қилишга, унинг неъматларига эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ўргатиш таълим даргоҳларининг ҳам иши ҳисобланади. Албатта, бунда ўқувчиларга ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам ўрнак бўлиши лозим.

Президентимизнинг қатъий талаби билан бу йил давлат муассасалари ишчи-хизматчилари, талаба-ёшлар пахта теримида жалб қилинмади. Бу албатта, ҳар томонлама тўғри қарор бўлди. Аммо маҳалларда иш қидириб юрган ёки даромади камлигидан оиласини боқиб қийнаётганлар камми? Бўш вақтини телефону компьютерда ўтказиб, фойдасидан зарари кўпроқ виртуал оламнинг ҳар турли туйнуқларида “сайр қилиш” билан умрини кетказётган ёшлар ҳам талайгина.

Шундай экан, уларни пахта йиғими-га жалб этиб, кунлик даромад топишга даъват этиш ҳеч қандай зиён қилмайди, аксинча... Таассуфки, ижтимоий тармоқлардаги “лайк” йиғишга ишчи-



кимсалар одамларга яхши кўриниш, ўзларини “халқларвар, элпарвар, адолатпарвар ва яна неча хил “парвар”-лар сифатида намойиш қилиб, нуқул ҳаётдан кир қидириш билан машғул бўлишмоқда.

Лекин бундан кимга наф? Юртимизгами? Одамларгами? Қўлингдан келса, савоб ва яхшилик қил, келмаса ҳеч бўлмаса, ёмонлик қилма дейдилар.

Яна шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, пала-партиш, ёлғон-яшиқ хабарларни ёзиш билан ҳеч қим шу пайтга-ча обрў топган эмас.

Албатта, матбуот тезкор бўлгани яхши. Аммо бу тўғри келган кўчадаги гапни текширмасдан, аниқлигини ўзи ҳам билмасдан элу юртга жар солиш дегани эмас-да!

Хали кўп бўлгани йўқ, бир мамлакат президентини вафот этганга чиқариб юборишди. Бунга ишонган нуфузли одамлар ҳам ижтимоий тармоқлар орқали таъзия билдирди. Ваҳоланки, бу қип-қизил ёлгон эди. Бугун интернет тармоқлари мисоли бетартиб бозорга айланиб бормоқда. Бу бозорда сифатлидан кўра, истеъмолга яроқсиз маҳсулот кўпайиб кетди. Мана шулар сабаб ҳозир аҳоли орасида ижтимоий тармоқларга ишонч кескин сустайиб кетди.

Яна бир мисол. Уч-тўрт ой бурун “Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ишдан кетди”, деган ёлгон хабар ҳам бутун мусулмон оламини ўйлантди қўйди. Хабарни тарқатган блогер ўзини “янги Америка кашф этдим”, деб қалпоғини осмонга отгандир. Бироқ, ёлгоннинг умри қисқа экани яна бир борна исботини топди. Қизик, нега баъзи одамлар халқчил ОАВла-

ри, ташкилот ва идораларнинг ишончли матбуот хизматлари турган жойда, кўча гапига ишонишади?

Ростини айтганда, матбуотга алоқаси йўқ, хабар тарқатиш ваколатига эга бўлмаган, “саводи говлаб кетган ишбилармон”ларнинг бунчалик ҳовлиқиб кетишига ҳозирги катта-кичик айрим раҳбарларнинг ҳам ҳиссаси бордек туюлади. Тадбирларда баъзи бир блогерлар берадиган эзма ва чўчмал саволларга улар кўрқа-писа жавоб беради, эҳтиёт бўламан деб баъзида “қовун тушириб қўяди”, орада ноҳўя гаплар ҳам келиб чиқади. Қарабсизки, “уддабуронлар” ўша ноҳўя гапни юлиб олиб тармоқда эълон қилади. Оқибатда масъул шахслар ноқулай аҳволга тушиб қоляпти, ҳатто ишдан олинапти. Бунга ҳисса қўшган блогер эса галаба мен томонда деб ўйляпти. Энг ёмони, бу гаплар “эшик”дан ташқарига чиқиб, ватанимиз, миллатимиз шаънига доғ бўлиб тушаётганидир.

Этибор қилсангиз, шу жойда журналист билан блогернинг фарқи юзга чиқади, яъни журналистда жавобгарлик ҳисси бор, хато қилса, нохо-

► Матбуот анжумани

Жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар самарасига боғлиқлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бугун суд ҳокимияти мустақиллигини яратиш, нуфузини ошириш, уни илгариги жазоловчи органдан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялайдиган институтга айлантиришга ҳаракат қилинапти. Айни пайтда фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий судлар фаолият олиб борапти ва бу, албатта, сезиларли натижа бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида маъмурий суд соҳасидаги ислохотлар ҳамда юқоридоғи каби масалаларга эътибор қаратилди.

Гуруч курмаксиз бўлмайдими?

— Ҳаракатлар стратегиясида маъмурий судларни ташкил этишнинг назарда тутилиши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судда ишларни кўриш ва ҳал этишнинг сифатини ошириш, пировардида, фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириши назарда тулади, — деди Олий суд раиси ўринбосари Бахтиёр Исаков. — Авваллари оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоолар фуқаролик ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судларда, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар эса жиноят ишлари бўйича судда кўриб келинган. 2017 йил 1 июндан бошлаб ушбу ваколат янги ташкил этилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) маъмурий судларига берилди. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс қабул қилинди. Айни пайтда маъмурий судларга шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида жами 12159 та ариза ва шикоятлар келиб тушган. Шундан қарийб 70 фоизи қаноатлантирилиб, фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тикланган...

Ҳўш, қайси бўғиндаги мансабдорлар устидан шикоят кўпроқ экан, дея маълумотларга кўз югуртирдик. Унга кўра, ФХДЭ мутасаддилари биринчилида турибди. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида улар устидан 487 та ариза тушган. Шундан 395 таси қаноатлантирилган, 60 таси рад этилган, 24 таси тугатилган, 8 таси кўрмасдан қолдирилган.

Анжуманда таъкидланганидек, ислохотлар жараёнидаги ўзгаришларга қарамай, соҳада хали амалга оширилиши зарур бўлган ишлар талайгина. Айрим туманлар маъмурий судлар судьялари томонидан ҳеч бир қолибга сизмайдиган (вафот этган одамнинг гувоҳлиги каби) қарорлар чиқарилаётгани ва бундай ҳолатлар аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётгани қайд этилди. Журналистларнинг бундай кадрлар тизимга бўлган ишончли йўқотмайдими, дея берган соволига Б. Исаков қуйидагича жавоб берди:



— Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, шу каби ҳоллар ҳам учраб туради, тўғри. Айни пайтда судьяликка номзодларни Судьялар олий кенгаши кўриб чиқиб тайинламоқда. Иш кўриш жараёнида судья процессуал ва моддий ҳуқуқ нормаларини бузган ҳолатлар бўлса, унга нисбатан интизомий иш кўзгатилади, албатта. Аввал юристлар 25-30 ёшда ҳам судьяликка ўз номзодини қўйиш ҳуқуқига эга эди. Эндиликда “Судлар тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш киритилиб, ёшга доир масала қайта кўриб чиқилди. Бундан буён 35 ёшга тўлган, беш йиллик тажрибага эга олий юридик маълумотли шахслар судьяликка ўз номзодини қўйиши мумкин. Илк муддатга тайинланган судьялар беш йил, кейинги муддат ўн йил, ундан кейингисини умрбод муддат бўлиб, босқичма-босқич ушбу жараёнга тайёрланиб борилади. Қўпол қонунбузилишларга йўл қўйган судьяларга эса тегишли чоралар кўриляпти — интизомий иш кўзгатилади, ҳатто Судьялар Олий кенгаши қарори билан ўз ваколат муддати тугамасдан лавозимидан озод этилмоқда...

Фуқаролар бугун тўртта йўналишдаги суд қарорлари, суд амалиёти умумлашмаси, даъво аризани тўлдириш ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар ҳақидаги тилиқ маълумот билан олий суд веб-сайти орқали танлиқлаштириш мумкинлиги мутахассислар томонидан қайд этилди.

Тадбирда соҳага доир кўпга ечимини кутаётган саволлар ўртага ташланди.

Х. АҲМАДЖОНОВА.

... матбуотга алоқаси йўқ, хабар тарқатиш ваколатига эга бўлмаган, “саводи говлаб кетган ишбилармон”ларнинг бунчалик ҳовлиқиб кетишига катта-кичик раҳбарларнинг ҳам ҳиссаси бордек туюлади. Тадбирларда айрим блогерлар берадиган эзма саволларга улар кўрқа-писа жавоб беради, эҳтиёт бўламан деб баъзида “қовун тушириб қўяди”, орада ноҳўя гаплар ҳам келиб чиқади. Қарабсизки, уйдабуронлар ўша ноҳўя гапни юлиб олиб тармоқда эълон қилади. Оқибатда масъул шахслар ноқулай аҳволга тушиб қоляпти, ишдан олинапти. Бунга ҳисса қўшган блогер эса галаба мен томонда деб ўйляпти. Энг ёмони, бу гаплар “эшик”дан ташқарига чиқиб, ватанимиз, миллатимиз шаънига доғ бўлиб тушаётганидир.

тиб, атрофни биров тартибга келтиришгани, ўзлари ишлайдиган муассасани ободонлаштиришда қатнашгани экан. Ахир, бундай хашарлар азалдан бор-ку! Ҳаммамиз мактабда ўқиганимиз, нафақат ўқитувчи, ҳатто катта синф ўқувчилари ҳам мактаб ҳовлисини, синфхоналарнинг озодлигига жавобгар эди. Ерни юмшатиш, даракларни оқлаш, ортиқча ўтларни юлиш каби енгил юмушларни ўзимиз ҳам бажарганимиз. Атроф тоза, сўлим бўлса, билим олгани келган нафақат ўқувчиларнинг, таълим-тарбия берувчи ўқитувчилару, таълим даргоҳига ке-

боз айрим ҳовлиқма блогерлар учундан ўт чиқариб, бу ҳолатни-да “мажбурий меҳнат”га йўйишди. Бир шоира оламиз “Ҳатто келинларимизга кўчани сугур, дейишгям кўриб қолдик. Бунини ҳам мажбурий меҳнат дейишдан тоймайди булар”, деб ҳақли эътироз билдирган эди.

“Элдан чиқиб, кимга эл бўласан”, дейди кексаларимиз. Эл ичиде яшаган, ён-атрофдагиларнинг иссиқ-совуғидан хабардор, ёрдам керак вазиятларда қўл-қанот бўлиш инсоний бурч эмасми? Афсуски, ўзини тезкор хабаркаш қилиб кўрсатаётган баъзи

ҳақида ёзган мақоласи, яъни “ҳолва”си ҳокимнинг оғзини чучутбди дедик.

Ҳамкасбимиз Холбой Қосимов Булунғурда ашайди. Туман газетасида узоқ йиллар хизмат қилиб, элга зиё тарқатган, маънавият ва маърифат бўлимида ишлаб маърифат улашган киши. Унинг кўпга мақолалари Республика босма нашрларида ҳам чоп этилган. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳақимов таъбири билан айтганда, туманларда ижод қилиб, ўз туманида ҳам танилмаган журналистлар кўп, аммо Холбой Қосимов туманда ижод қилиб республикага танилган журналистлардан бири. Бундай ҳамкасблар эътибор ва эътирофга чандон лойик.

Ҳа, шунинг учун бўлса керак, тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг фахрий журналистлар кенгаши аъзоси, филолог олим Саиди Умиров, Ўзбекистон Ёзувчилар уюш-

маси раисининг ўринбосари Нодир Жонузок, Самарқанд вилоят “Зарафшон” газетаси бош муҳаррири Фармон Тощев ва бошқалар иштирок этишди. Улар Х.Қосимов ижод фаолияти ҳақида кўп яхши фикрларни билдиришди.

Республиканинг қайси бир жойида бўлмасин, бирон-бир журналиста эътибор қаратилаётган экан, чин кўнгилдан хурсанд бўламан. Шунинг учун элга танилган Булунғурда бир ҳокисор ижодкорнинг ижодий фаолиятига эътибор қаратилганидан мамнун бўлдим. Оддий бир ижодкорнинг қирқ йиллик меҳнати эътироф этилаётган тадбирда иштирок этиш учун вақтинча аямаган туман ҳокимига ҳам раҳмат айтдик. Ахир, нафақат эл дарду ташвишлари, балки қувончу шодликлари билан ҳам бирга яшаш қандай мароқли!

Шухрат РҮЗИЕВ,
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси масъул
котиби.

► Ҳамкасблар

Холбой ака ҳолвапаз эмас. Жуссаси миқтигина, чайир одам. Касби журналист. Доимо одамлар орасида юради. Эл дардини тинглайди. Биров олдига ҳолва қўйса, уни четга суриб, унинг аҳволини, “ҳоли”ни сўрайди. Ўзгалар ташвишини ўйлаб, уларнинг муаммосини ёзиб чарчамайди. Раҳбарлар, мутасаддилар ўқисин дейди. Улар эътибор қилса, мақсади ушалганидан севилади. Ўзида йўқ хурсанд бўлади. Акси бўлса ранжийди. Яна аламини қоғоз-қаламдан олади. Қанча-қанча қоғозлару қаламлар бундай аламли дамларига гувоҳ.

Холбой аканинг “ҳолва”лари офизни чучутди

Қирқ йилдан зиёд касбини улуғлаб юрган шу инсонни бир гуруҳ булунғурликлар шу ўтган яқшанба кuni ҳокимлик биносига чақириб, бир сийлашди. Ҳўп мактабчангини чиқаришди. Кўп йиллик халққа қилган хизматлари ва ижоди ҳақида тўқилганиб гапирди. Ютуқларини эътироф этишиб, санашдан ҳам чарчамади. Ҳатто туманининг каттаси, яъни ҳоким бобо Баҳодир Баҳромов Хол-

бой Қосимов ҳақида сўз юритиб, “Бир кuni туманимиз газетасини ўқиётим “Йўлми, кўлми?”, деган мақолага кўзим тушди. Уқисам, туман худудидаги қайсидир маҳалла йўлини сув босиб ётгани ҳақида ёзилган экан. Дарров мутасаддиларни чақириб, йўл билан қўлга аниқлик киритдик”, дейди.

— Мақолада фалончи айбдор, писмадончи гуноҳдор, яна бири лоқайд, бошқаси

ишламайди, мутасадди қаратамайди деган таъна тошми гап-сўзлар йўқ. Бор йўғи иккита сўз. Нима экан деб дарров ўқийсиз. Ичиде манзил аниқ, муаммо содда, оддий ёзилган. Шунда бу кишини хузурига чақирдимда, ака, бундай мақолаларни кўпайтиринг, — дея ўзим илтимос қилдим деди қўшимча қилиб ҳоким.

Биз эса Холбой аканинг маҳалладаги мавжуд ҳол-аҳвол

► **Ҳамид Олимжон таваллудининг 110 йиллиги**

XX аср ўзбек адабиётининг атоқли вакили, хассос лирик шоир Ҳамид Олимжон лирикасининг бадий гўзаллигини таъминловчи поэтик образлар гоёт кўп ва ранг-барангдир. Шоирнинг адабиётшунослигимизда аллақачонлар тан олинган Бахт, Шодлик, Толе, Ватан, Гул образлари қаторига Олов, Куёш, Нур, Аланга, Машғал, Оташ, Тонг, Тун каби янги поэтик образларни бемалол қўшиш мумкин.

Дарёдек уйғон шоир

Шуниси борки, оташнафас шоирнинг лирик мероси юқорида санаб ўтилган поэтик образлар билангина чекланиб қолмайди. Ҳамид Олимжоннинг ижод қонасини баркамол қилган, унинг гўзаллигини таъминлаган муҳим образлардан яна бири **дарё**дир. "Дарё" ўз мазмун-моҳияти, бадий эстетик вазифасининг қамрови, гоёвий юқининг салмоғи билан Ватан, Бахт, Шодлик, Гул образларидан қолишмайди. Дарё шоирнинг таллай шеърлари, балладалари, достонлари, драмалари, ҳатто мақолаларида ҳам кўп учрайди. Улар бир-бирини тўлдирди, бойитади ва махсус тизимни ташкил этади. Айна чоғда "дарё" образ сифатида ҳар бир асарда ўзига хос вазифани адо этиб, эҳтиросли шоирнинг ёниқ, уйғон, тошқин қалби, ўткир нигоҳи, умидбахш тилаклари, она юрти гўзаллигининг рамзи сифатида намоён бўлади.

"Дарё" Ҳамид Олимжоннинг илк шеърлариданоқ кўзга ташланади. У шоирга кудратли куч, жўшқин кайфият, тизгинсиз ҳайрат, йўлидаги тўсиқларни кўпориб ташловчи шиддатли оқим тимсоли бўлиб кўринади. Шоир учун гўё "Шағирларди осмон ва ҳаво, Шағирларди бутун коинот, Шағирларди бетиним дарё, Шағирларди дарёда ҳаёт..." (Шу ва бундан кейинги мисоллар Ҳ.Олимжон-

ди. Чунки дарё Ватан бағрида оқиб, уни суғормоқда, атрофини обод қиляпти, керак бўлса, юртни «электрик дарё» бўлиб ёритмоқда, тиним билмай хизматини қилиб, ҳар доим уйғоқ бўлиб турибди. Дарёнинг бу фазилатларига ҳавас билан қараган шоир ўзи ҳам мудом "Дарёдек уйғон" ўтишга, "Наҳрлардай тўлиб" яшаш ҳамда ижод қилишга уринди. Масалан,



нинг 10 жилдик "МАТ"нинг 1-жилдидан олинди). Бу образ унинг ёшлигида кўрганларини, жамиятда кечаётган янгилишни жараёнини образли ифодалашнинг энг қулай воситаси сифатида кириб келди. Дарё Ҳамид Олимжон шеърларидаги лирик қаҳрамоннинг Ватанга бўлган буюк ва ўлмас муҳаббатини ифодаловчи тимсол сифатида намоён бўла-

бу тилагини «Ўлка» номили шеърда куйидагича образли баён қилади:
*Қулғимга номинг кирганда
Қулмоқ каби ташна бокурман.
Сенинг жаннат водийларингдан
Наҳрлардай тўлиб оқурман.*
Чиндан ҳам Ҳамид Олимжон ўзининг қисқа умрида дарёдек тўлиб, ҳайқириб, тўлқинланиб, Ватанига талпиниб яшади

► **Дарвоқе**

БИР СОАТ ИЧИДА...

1 соат...
60 дақиқа...
3600 сония...



Муқаддас китобларда бир соатлик илм олиш, юз кунлик тоат-ибодатдан афзалдир, дейилган.

Шу вақт – 60 дақиқа мобайнида билим олиш мумкин. Бошқача айтганда, бу вақт оралиғида ўқувчилар мактабда муаллимнинг бир дарсида янги мавзуну ўқиб, ўқиб, иккинчи соат дарсларини бошлашади.

Агар илҳом парилари "шоирни даврон"ни қуршаб олган

бўлса, шу муддат ичида ажиб шеър тугул, бутун бошли қасида дунёга келиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Қарангки, неча-неча йиллардан буён бир тенгламанинг жавоби кўйида андармон юрган олим ҳам шу вақт давомида ечимни топиши-ю, фанда янглик яра-

тиши, алалоқибат эса неча минглаб, балки миллионлаб инсонларнинг мушкулани осон, ҳолатини раван қилиши мумкин.

Шифокор-чи?! Масалан, оддий бир жарроҳ. Одатий битта энгилроқ жарроҳлик амалиёти учун (албатта 6-8 соатлаб чўзиладиганлари ҳам бор дейишадди, Худо асрасин!) ўттиз-қирқ беш дақиқа вақт сарф этса, камида иккита операцияни тугаллаши ҳеч гап эмас. Бу шундай

деганики, икки инсоннинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Хотин-қизлар кўмитаси раиси уч минг олти юз сонияда энг ками билан бир оиллага тотувлик ва аҳилликни қайтара олиши турган гап.

Профилактика нозирни эса ҳеч қандай гумонсиз бирор жиноятнинг олдини ола билади бу вақтда.

Раҳбар одам-чи?! Эҳ-ҳе-е-е... Қанча мувожаатни ҳал қилмайди дейсиз, олтиш дақиқада. Пахтазордаги бир теримчи эса бу вақтда бемалол бир этак пахтаги хирмонга жўнатиб, иккинчи этакни тўлдиришга унаган бўлади.

Ҳаммаси ҳам майлику-я, бир соат ичида 25-30 саҳифа китобни ёки бирор кунлик газетани ўқиб, битириш турган гап.

Дарвоқе, бир соат, яъни 3600 сония мобайнида биронта «каттакон»ни қўтиш ҳам мумкин.

САНЧАРБЕК

«Қумовул» маданият ва аҳоли дам олиш марказининг мажлислар залида 1 соатга қолмай битилди.

► **Тафаккур**

Ҳақиқат ва ёлгон аслида нарсаларнинг эмас, сўзининг моҳиятига хос хусусият. Сўз бўлмаган жойда ҳақиқат ҳам ёлгон ҳам бўлмайди.

ТОМАС ГОББС,
инглиз мутафаккири.

Одамлар ортиндан юришини истасанг, сен уларнинг ортидан юр.

ЛАО ЦЗИ,
хитойлик файласуф.

Биз яшайтган жамият тошдан ясалган гўмбазни эслатади. Агар тошлар бир-бирини тутиб турмаса қулаб тушади.

СЕНЕКА,
римлик донишманд.

Одамлар табиати аслида ўзгармасдир. Аммо тақдир ҳар хил янги умидлар тугдириб, уларни янги ташаббуслар сари бошлайди.

ПЛУТАРХ,
يونистонлик донишманд.

► **Оламда нима гап?**

НАМОЙИШНИНГ "БОШ ҲОМИЙСИ" КИМ?

Хитой ташқи ишлар вазирлиги уринбосари Ла Юйчен Хонгконгда юз бераётган катта қўлмали норозилик намоёнларини гарб давлатларининг ташқи аралашуви билан тушунтирди.

Ла Юйчен: "Бу кўп жихатдан ташқи, биринчи навбатда, АҚШ ва бошқа гарб давлатлари томонидан аралашуви билан боғланган. Шу сабабли, биз АҚШни бу галаёнларнинг саҳна ортидаги ҳомийси, деб ҳисоблаймиз", деб айтган.

Шунингдек, у АҚШнинг Хитой ва Россияни "босиб туриш" сибсатини хато деган ва: "Бироқ бу уринишлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳеч қандай қўллаб-қувватлов олмапти. Улар катта хато қилдилар. Аминманки, АҚШнинг бу уринишлари барбод бўлади", деб таъкидлаган Юйчен.

ҲАР ҲАФТА ХИСОБОТ ТОПШИРИШГА ВАЪДА БЕРДИ



Украина президенти Владимир Зеленский ҳафтада камида бир марта бажарилган ишлар тўғрисида фуқароларга маълумот бериши ҳақида маълум қилди.

"Сизлар билан ҳафтада камида бир марта учрашиш ва ўтган ҳафта давомида қандай ишларни амалга оширганимиз тўғрисида менда хабардор қилиш фикри тугилди", деди у.

ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ҲАРБИЙ БАЗАСИГА КЕЛДИ

Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоған Қатарга ташрифи давомида ушбу давлатдаги Туркия ҳарбий базасига келди. Бу ҳақда "Anadolu" агентлиги хабар берди.

"2017 йилдан, Доха ва қатор араб давлатлари ўртасидаги муносабатларда инқироз бошланганидан буён турк ҳарбийлари Қатар хавфсизлигининг кафолати бўлиб қолмоқда. Биз икки ярим йилдан бери давом этаётган инқирознинг тезроқ тугаши тарафдоримиз", деди Туркия президенти.

ЭНГ УЛКАН ЎҒРИЛИК ДРЕЗЕНДА СОДИР ЭТИЛДИ

Германиянинг Дрезден шаҳрида жойлашган "Яшил гўмбаз" музейида 1 млрд. евролик зеб-зийнатлар ўғирлаб кетилди. Ушбу музейда Европада энг катта хазиналар коллекцияси сақланади.

Жиноятчилар музейга кириш учун яқин орадаги кўприк остида жойлашган трансформаторга ўт қўйиб, шаҳар марказидаги бир неча музейни электр токи йўқлиги сабабли сигналзация ишламаётганидан фойдаланиб, музейнинг бурчагидаги ойнадан унинг ичига кирган. Ўғирлар музейдан бир неча бриллиант ва бошқа қимматбаҳо зеб-зийнатларни олиб чиқиб кетишган.

ИРОҚ МУДОФАА ВАЗИРИ СУРИШТИРУВДА

Швеция полицияси Ироқ мудофаа вазири Нажаҳ аш-Шамарийга нисбатан суриштирув ишларини бошлади. Бу ҳақда SVT телеканали хабар берди.

"Полиция томонидан 8 ноябрь куни товламачилик иши бўйича суриштирув бошланди. Биз икки кишидан шубҳаланмоқдамиз", деди полициянинг товламачиликка қарши курашиш бўлими вакили Ян Гранквист.

Маълум бўлишича, Нажаҳ аш-Шамарий Швеция фуқароси ҳисобланади. Ироқ конституциясига қўра, юқори лавозимдаги шахслар икки фуқароликка эга бўлиши мумкин эмас.

5 КИЛОГРАММЛИК ОЛТИН ТАНГА ЗАРБ ҚИЛИНДИ

Британия қиролик зарбхонаси мамлакат тарихидаги энг йирик коллекцион олтин тангани зарб этди. Танганинг диаметри 17,5 см, оғирлиги 5 килограммни ташкил қилади. Бу ҳақда "Evening Standard" нашри хабар берди.

Танга Буюк ўймакорлар сериясига кириб, олд томонда Вэуичи Эдмунд Спенсернинг "Парилар қироличаси" поэмасининг қаҳрамони Уна ва унга ҳамроҳлик қилувчи шер тасвирланган. Уна қиролича Викторияни (1819-1901), шер эса Британия халқини ифодалайди. Танганинг орқа томонда эса қиролича Викториянинг ён томондан кўриниши тасвирланган.

Танга сотилган, бироқ у неча пулга кетгани маълум қилинмаган.

Интернет хабарлари асосида **А.СОДИКОВ** тайёрлади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Маҳмуд САДИНОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари, яқинларига чуқур таъзия билдиради.

► **Қилмиш-қидирмиш**

Бугун атрофимизга қарасак, ёшларнинг илм-ҳунар ўрганиши, ўз иқтидорини намоён этиши учун етарлича имконият бор. Шундан фойдаланиб, ўз танлаган касби, қизиққан соҳасида катта муваффақиятларга эришаётганлари ҳам талайгина. Минг афсуски, улар қатори қайта-қайта жиноят содир этиш, шароити етарли бўлатуриб, оғир жиноятларга қўл уришни одатга айлантирганлар ҳам бор. Бу ношуқурлик, тўқликка шўхлик эмасми?

"КўРШАПАЛАК УЯСИ"

МИНГ ДАРДГА ДАВОМИ?

ёки фирибгарнинг янги найранги



Кўкун шаҳрида яшовчи Ш.Мирзараҳимов ҳам шундайлардан бўлиб чиқди. Ҳали 30 ёшга тўлмаган бўлса-да, суднинг қора курсисига 7 марта ўтириб улгурган "уддабурон" йигитлардан. 2012 йилдан буён шу ахвол давом этиб келяпти. Бешинчи-олтинчи марта судланиб, 4-5 йил озодликдан маҳрум бўлган, "Энди қилган ишларимдан хулоса чиқариб олдим. Халққа фойда тағадиган инсон бўламан" деб ЖИЭМ ходимларига ваъда бериб, қамокдан чиққан. Уталмай қолган 3 йилу 8 ой

13 кунлик озодликдан маҳрум этиш жазоси ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилган. Афсуски, тарки одат амри маҳол деганлари рост экан. Ота-онаси, қариндошларининг ўғитларига қулоқ солмасдан у яна жиноят содир этиш йўлига кирди. Отаси уни уйлантириш ҳаракатида эканини айтиб, бир неча бор танбёҳ берди. Бари бефойда бўлиб чиқди. Ш.М.нинг табиатидаги ишқомаслик, ҳалол меҳнат билан рўзгор тебратишига "халал" берди. Бутун фикру хаёли осонгина бойиб кетиш, жон

қойитмасдан топилган пулга қўнғилхушлик қилиб юришдан иборат бўлди. Бир куни Ш.М. "Ютуб" ва "Телеграмм" каналлари орқали келаётган кўршапалак уяси ҳақидаги видеороликларни кўриб, жинорий режа тузади. Яъни, кўршапалак уяси тайёрлаб сотишни мўлжаллайди. Шу ният билан юрган кунлари (ўтган йил октябрь ойи ўрталарида) Учқўприк тумани Ёйилма кишлоғи худудида Жаҳром Маҳкам

ов билан учрашиб қолади. Унга Наманган вилояти, Поп туманидаги тоғли худудларда кўршапалак уяси борлигини, бу нарса саратон касаллигига даво бўлишини айтиди. Б.Маҳкамов бу гапларга ишонди. Ш.М. эса "кўршапалак уяси"ни 23.300 АҚШ долларига сотмоқчилигини айтиб, қармоқдаги одамни уни олишига кўндиради.

Бу устамон цемент, оҳак, алебастр ва тупроқ қўшиб олинган ясаб қўйилган ноқсимон шаклдаги қоришмани мана шу "кўршапалак уяси" деб кўрсатади. Яна, кўршапалак уясига тилла буюмлар худди магнит сингари ёпишиши, фақат саримсоқдан қочиши ҳақида аввалдан тайёрланган сохта видеороликни ҳам кўрсатади. Ниҳоят харидор топилач, "ишбилармон" Б.Маҳкамовнинг яшаш манзили – Учқўприк тумани, Ёйилма кишлоғи 269-уй томон йўл олади. Хар эҳтимолга қарши "кўршапалак уяси"ни 5 литрлик баклажкага жойлаштириб, атрофини ял-

тироқ қоғоз, пахта билан ўралган ҳолатда олиб келиб беради ва ҳозирча очмаслигини тайинлайди. Бу гапга лаққа тушган харидор "уя"ни 15.300 АҚШ доллари (125.583.012 сўм)га сотиб олади. Афсуски, у ўзининг алданганини билганида кеч бўлган эди. Тезда тегишли органларга мувожаат қилади. Терговга қадар текширув даврида фуқаро Б.Маҳкамовдан ўша сохта кўршапалак уяси далилий ашё тарикасида олинди, экспертизага топширилди. Х.С.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг 13110/20-сонли хулосасига кўра, ушбу жисмининг устки қавати цемент, ўрта қавати оҳак ва остки қавати тупроқ экани исботини топди.

Буни қарангки, терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган бир вақтда, 2018 йилининг 10 декабрь куни "ишбилармон" қаҳрамонимиз яна бир ишга қўл уришга улгурибди. Унинг шиори қалбаки нарсаларни пуллаш экан, ше-

килли, бу гал сифатсиз, қалбакилаштирилган дори воситаларини ўтказмоқчи бўлди. Унга бу масалада жинорий шериклари Аҳрор Саидов ва Қирғизистон Республикаси фуқароси Акбар Худойкулов ёрдан берган. 393 та касетадаги "Лирика" дори воситасини Кўкун шаҳар, Авғонбоғ кўчаси чорраҳасига ўтказиш учун ташиб келган. Шундан 121 касетада бўлган худди шу дори воситасини харидор Х.Юлдашевга 3200 АҚШ долларига сотган вақтида тадбир иштирокчилари томонидан ушланган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги "Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш" ДУКнинг 2018 йил, 26 декабрдаги 29/09-4938-сонли хулосасига кўра, Ш.Мирзараҳимов ва бошқалардан далилий ашё тарикасида олинган "LYRICA 300 мг №14" дори воситаси ёрлиқлаш кўрсаткичлари бўйича талабга жавоб бермапти. Бунинг устига Республика

сертификатлаштириш идоралари томонидан мувофиқлик сертификати расмийлаштирилмагани, тиббиёт ва проксизитлиги, сифатсиз амалиётида қўллашга рухсат этилмаслиги аниқланган. Бу қилмишлари учун Ш.М. тегишли жазога тортилди. Бундан буён у қандай йўл тутиб, нима хулосага келаркин? "Кўршапалак уяси" турфа хасталикларга, хусусан, саратонга даъво деб эшитган ва товламачи алдовига чўв тушган юртдошимизга, қолаверса, ана шундай ким нима деса эргашиб кетатверадиган одамларга айتمоқчи бўлганимиз эса шу: ўйлаб кўринг, мабодо чиндан ҳам кўршапалак уяси бебаҳо малҳам ёки дори бўлганида уни ҳозирги кунда ўлган одамга жон бахш этадиган доридан бошқаси топиладиган дориларда сотишмасмиди?!

Ноҳиржон ШАМСИДИНОВ,
Фаргона вилояти
Учқўприк тумани ИИБ
ҳузуридаги тергов бўлими бошлиғи, майор.

► “Адолат” минбари

Дунёда давлат ва жамиятнинг нуфузи, онгу тафаккури, маданий даражасини кўрсатадиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини белгилувчи, таълим-тарбиясини такомиллаштирувчи бу — аёллар. Хотин-қизларга бўлган муносабат, ҳурмат-эҳтиромни давлатнинг уларга бўладиган муносабатидан белгилаш мумкин. Шу нуқтадан назардан қаралса, аёлларни улуғлаб, ардоқлаб, бошига кўтариб яшайдиган халқ ўзининг юксак маданияти ва олижаноб қадриятларини амалда намойён қиладиган миллат сифатида ҳурмат қозонади.

АЁЛА — жамият мезонини белгилувчи куч




Нигора ТУРДИЕВА,
“Оила” илмий-амалий маркази Иштихон туман бўлими раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Ўзбекистон Қахрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов шундай дейди: “Номус, ор, садоқат, вафо, муҳаббат каби муқаддас туғилуларнинг тисмоли Аёлдир”.
А.Орипов бу тисмоннинг яна бир буюк хизматини эътироф этади: “Жамиятнинг, миллатнинг беқийс ривож, юртнинг гуллаб-яшнаши Аёлнинг этикоди, дивнати, ахлоқ-одоби, ҳалоллигига жуда-жуда боғлиқ”.

Шу сабаб, Шарқда, умуман, юртимизда аёллар азалдан улуғлаб келинган. Унинг тенгсиз латофат ва нафосат соҳибаси, эзгулик, фидойилик рамзи, хонадонларимизнинг фаршаси экани тўғрисида буюк мутафаккирлар, шоир ҳамда алломалар манбаларда ёзиб қолдирган, мадҳ этган.
Ҳадиси шарифда: “Жаннат оналарнинг оёғи остидадир” деган Пайғамбаримиз. Зеро, меҳрибон, муқаддас Она сиймоси олдида барчамиз бош эгиб, таъзим қиламиз.
Аёл — ана шундай улуг зот, муқаддас сиймо.
Аёлга нисбатан онгу шууримизда, қалбимизда пайдо бўлган чексиз меҳр-муҳаббат, эҳтиром тўғуларни, қадриятга айланган қарашлар оиламизда, жамиятимизда ва ўз-ўзидан давлатимизда ҳам мустаҳкам намойён бўлиб, қарор топмоқда.

Шу боис, Ўзбекистонда аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш борасида ҳамма чоралар кўрилган, шароитлар яратилган. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ҳамда имкониятларини рўбга чиқариши учун муносиб шарт-шароит яратиш, қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишига эришиш, оналик ва болалиқни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.



Насиба АБРАЕВА,
Чироқчи тумани халқ таълими бўлими мудири, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Бугун хотин-қизларнинг қадими тегмаган жой, улар эгалламаган соҳа қолмади ҳисоб. Улар ўқитувчилик, хусусий тадбиркорлик, фермерлик, ҳарбийлик, умуман, ижтимоий соҳадан тортиб, иқтисодиёт, саноят, давлат ва жамият қурилиши соҳасида фаоллик кўрсатяпти. Қанчадан-қанча соҳа ва тармоқларда раҳбарлик лавозимларини эгаллаётган хотин-қизлар сони мунтазам равишда ортиб бораёти.

Эсимда бор, ўтган йили Президентимиз Шавкат Мирзиёев Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқда бир аjoyиб рақамни келтириб ўтган эдилар. Давлатимиз раҳбири ҳозирги вақтда мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этишини таъкидлаган эдилар. Жумладан, давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин опа-сингилларимиз раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда. Сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлиари таркибида ҳам юзлаб хотин-қиз фаолият юритмоқда.
Қўллаб-қувватлашимиз «Ўзбекистон Қахрамони», «Ўзбекистон фан арбоби», «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон халқ шоири», «Ўзбекистон халқ артисти» сингари давлатимизнинг юксак фахрий унвонларига, орден ва медалларига сазовор бўлган. Уларнинг орасида 500 нафардан зиёд фан доктори ва академиклар, минглаб фан номзодлари ўз билими ҳамда истеъодиди билан Ватанимиз равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилаёпти.



Зулайхо РАХИМОВА,
Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани тиббиёт бirlашмаси шифокори, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Хотин-қизлар ўзининг билим ва таърибаси, профессионал малакаси ва маҳорати билан кўпгина жабҳаларда илгор, ҳатто етакчи мавқеларни эгаллаётти. Ҳаётимизда тобора катта ўрин олаётган фермерлик ҳаракати, бизнес, юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқлар, илм-фан, тиббиёт, таълим-тарбия,

маданият ва санъат каби соҳа ҳамда тармоқлар тараққиётини аёлларнинг иштирокисиз, ақл-заковатисиз тасаввур этиб бўлмай қолди.
Шулар ҳақида, умуман, жамиятимизда аёлларга муносабат, унинг қадр-қиммати, юрт ҳаётида тугган ўрни борасида ўйлар эканман, бир ҳақиқатни англайман: Ўзбек аёлининг шону шавкати ҳам, қадр-қиммати ҳам худди халқимизнинг қадди сингари мустақиллик йилларидагина тикланди!
Мустақиллик шарофати билан аёлларни қўлларидан қадокдан халос бўлди, елкасига офтоб нури тушди, эҳтиромга бурқанд, эъзоз тоғди, жамиятда мавқега эришиб, ўзалигини намойён этиш имконини қўлга киритди.



Гулчехра ТУРЛИЕВА,
Арностаб тумани 5-мактаб директори, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Дарҳақиқат, юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг аёллар учун нимаики зарур бўлса, барчасини муҳайи қилишга, нозик елкасидан оғир юклардан халос этишга, умуман, барча иш-хотларнинг марказида аёллар ва болалар туриши, уларга ҳар томонлама ҳамқўрлик кўрсатиши таъминлашга катта эътибор қаратилди.
Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида кейинги уч йил ичида хотин-қизларга қаратилаётган улкан эътибор, кўрсатилаётган эҳтиром ва ҳамқўрликлар жамиятимизда аёлларнинг мавқеини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.
Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 февралда қабул қилган «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада, айниқса, улкан ўзгаришларга пойдевор бўладиган катта воқелик бўлди.



Озода ХАЙРУЛЛАЕВА,
Поп тумани мактабга-ча таълим бўлими мудири, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Ўтган қисқа даврда юқоридаги Фармон доирасида Президентимизнинг яна 1 та Фармони, 2 та Қарори, шунингдек, ҳукуматимизнинг 6 та қарори ва 4 та фармойиши қабул қилинди.
Юртбошимизнинг мазкур Фармонида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қобилият ва салоҳиятини рўбга чиқариш, оила институтини мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни ишончли муҳофазалашга қаратилган қўллаб-қувватлов чора-тадбирлар белгиланиб, амалиётга жорий этилди.
Белгиланган вазифаларнинг ижроси сабаб, Ўзбекистон Хотин-қизлари қўмитаси ва унинг худудий бўлинмаларининг янгилашган тузилмалари тасдиқланиб, штат бирликлари ҳамда ходимларнинг ойлик иш ҳақи оширилди. Хотин-қизлар қўмитасининг худудий бўлинмалари қошида “Хуқуқшунос аёллар”, “Илм-фан ва аёл”, “Ижодкор аёллар”, “Ташаббускор аёллар”, “Аёл ва саломатлик”, “Фахрий аёллар” жамоатчилик уюшмалари ташкил этилди. Қўшимча ваколат ва имкониятлар берилиб, самарали фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилгани Хотин-қизлар қўмитасининг сезиларли даражада жонлишига, шу орқали, унинг жамиятда аёллар манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли ва иштирокнинг кенгайишига хизмат қилмоқда.
Фармон билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда



маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилгани ҳам муҳим янгиликлардан бири бўлди.
Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг худудий бўлинмалари ташкил қилинди.
Мамлакатимиз раҳбарининг юқоридаги Фармонида асосан Хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тузилиб, фаолиятини самарали ташкил этиш учун дастлабки 300 миллиард сўм маблағ ажратилди.
Ушбу маблағлар ҳисобидан хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандликка кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур соҳадаги саяё-ҳаракатлар фаол тадбиркорликни ривожлантириш, аёлларнинг оиладан, фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда қасаначилик, томорқачилик билан шуғулланиши учун қўлай шароит, зарур имконият яратаяпти. Кам таъминланган, шахсий ўй-жойга муҳтож оилаларга ўй-жой олиш учун ажратиладиган кредитларнинг бошланғич бадалларини тўлаб беришда ҳам мазкур фонд маблағларидан фойдаланиш белгилангани рўзгори ночор, қўли қалта аёлларимизни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳамқўрлик кўрсатишда муҳим омили бўлмоқда.



Нодира ДЖАНИБЕКОВА,
Сирдарё вилояти қирғиз миллий маданият маркази раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Ўзбекистон — истеъодлар юрти. Бешикдан қабргача илм изла, деган ҳикматга асосланиб улғаядиган ёшларимиз орасида ҳар соҳада юқори натижаларга эришадиган қизлар ҳам жуда кўп.
Ана шундай ёш қизларимизни рағбатлантириш, юксак ютуқлар сари илҳомлантиришда Зулфия номидаги Давлат мукофоти катта ўрин тутди. Яхши биласиз, илгари ушбу мукофотни қўлга киритиш учун ёш чегараси анча кичик, голиблар сони ҳам чекланган эди.
Дикқатга молик жиҳати, эндиликда мазкур мукофот таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли қизларга ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафар талабгорларга бериладиган бўлди. Бу ҳам ўз соҳаси ва йўналишида улкан ютуқларга эришадиган қизларимизга катта имконият яратмоқда, иқтидорли қизларимиз сафини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.
Таъкидлаш жоизки, мамлакат ва жамият ҳаётида фаоллик ҳамда ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши, фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалиқ муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган оддий хотин-қизларимиз ҳам ҳеч қачон эътибордан четда қолмаётгани йўқ. Бундай хотин-қизларимиз учун «Мўтабар аёл» кўрак нишонини таъсис этилгани, «Илм аёли», «Ибратли оила» танловлари ўтказилаётгани юртимизда аёлга нақдлар катта ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилаётганини яна бир тасдиқдир. Энг асосийси, амалга оширилаётган муҳим чора-тадбирлар бугун ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, шубҳасиз, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқини кафолатлаш ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар қўламини янада кенгайтириб юборди.
Мазкур қарорда аёлларнинг меҳнат ва пенсия соҳасидаги ҳуқуқлари, гендер тенглигини таъминлаш бўйича мулкдош янги кафолатлар белгилаб берилди. Аёлларга ўз бизнесини ташкил этиш, бизнес юғларини тайёрлашда ёрдам бериш, узок вақт давомида бола тарбияси билан банд бўлган, оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолган аёлларни талаб катта бўлган касбга тайёрлаш ва ишга жойлаштириш учун уларга қўмақлаштириш мақсадида Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ташкил этилдики, бу ўз самарасини бермоқда.



Мавлудaxon АДХАМЖОНОВА,
Андижон тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси мудираси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:


— Аёлларга яратилаётган шароит ва имкониятларнинг санаб адоғига етиш қийин. Аммо яна бир жиҳат борки, у ҳақда тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. Бу — миллатимиз келажаги, наслимиз тозаллигининг муҳим омил бўлган саломатлик билан боғлиқдир.
“Фақат соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади”. Аслида ҳам тўри айтилган гап. Бонси, руҳияти соғлом, ақл-заковатли, маърифатли оналаргина қоним фарзандларни тарбиялашга қодир бўлади. Ана шу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда, юрти-

мизда хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофиза қилиш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ёш авлодни волағ етказишга қаратилган, узқони ўйлаб, пухта ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури ҳаётга изчил жорий этилаётти.
Ҳозирги пайтда барча худудларимизда перинатал, скрининг, репродуктив саломатлик ва диагностика марказлари фаолият кўрсатмоқда. Туғуруқ бўлимлари, кўп тармоқли поликлиникалар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари сони ортиб бормоқда. Ушбу тиббиёт масканларида аёллар ва қиз болалар йил давомида чуқурлаштирилган кўриқдан ўтказилиб, уларга доимий патронаж хизмати кўрсатилмоқда. Бу эса оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш учун замин яратаеттир. Хотин-қизларда учрайдиган касалликларни барвақт аниқлаш ва даволаш ишлари самарали ташкил этилаётгани тўғрисида аёллар ўртасида касалликлар қарийб 2 баробар, оналар ўлими 3 баробар, гўдақлар ўлими салкам 4 баробар камайгани бунинг яққол далилидир.




Гаухар ЗАРИПОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий суди судьяси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— “Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга нисбатан муносабати билан белгиланади”, деган ҳикматли гапда катта маъно-мазмун бор. Юртимизда аёлларга қаратилаётган ана шундай улкан эътибор ва ҳамқўрлик жамиятимизнинг маданий даражаси нақадар юқори эканидан далолатдир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 21 июндаги Олий Мажлис Сенатининг йиғирманчи ялпи мажлисидаги нутқидан халқимиз азалдан хотин-қизларга доимо юксак эҳтиром кўрсатиб келиши, аёлга бўлган ҳурмат-эътибор — бу аввало оилага, жамият келажагига бўлган ҳурмат-эътибор ифодаси эканини алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар.
Дарҳақиқат, ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларни нафақат эъзозлаш, балки уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда.
Яқинда парламентимизда иккита муҳим ҳужжат — “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ва “Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.
Ўзбекистон тарихида биринчи марта қабул қилинган ушбу қонунлар жамият ҳаётининг барча соҳаларида аёллар учун эркаклар билан тенг ҳуқуқ ҳамда имконият яратишни таъминлашга, хотин-қизларни турмушда, иш жойларида, таълим муассасаларида ва бошқа жойларда таълим ҳамда зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.



Дилрабо ХАЛБАЕВА,
“Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” ННТ раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Узим аъзо бўлган — Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг сайловолди дастурида ҳамда партия томонидан амалга оширилаётган ишларда “Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун” деган тамойил устувор қилиб белгиланган. Хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини, сиёсий, ижтимоий мақомини янада ошириш, аёлларга тенг ҳуқуқ ва имкониятлар, адолатли меҳнат шароитлари яратиш, юқори малакали хотин-қизларни давлат бошқаруви ҳамда сиёсатга фаол жалб этиш устувор вазифа сифатида қаралмоқда.
Олдимизда жуда катта тадбир, муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов жараёнлари турибди. Парламент сайловида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ҳам муносиб тайёргарлик кўряпти, пишиқ-пухта тайёрланган сайловолди дастури билан чиқаяпти. Унда аёл бахтли бўлса — оила бахтли бўлади, оилалар бахтли бўлса — бутун жамият ва давлат мустаҳкам ва барқарордир тамойили асосида жамиятимизда хотин-қизларнинг ролини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли таъминлашга қаратилган улғувор гоҳ ҳамда мақсадлар мужассам эканлиги билан аҳамиятлидир.
“Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади, — дейди Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган байрам табригида. — Лекин сизларнинг барча соҳалардаги самарали меҳнатингиз, фарзандлар тарбияси, оила ҳаётини улкан хизматларингизни ҳисобга олиб айтганимиз бўлса, жамиятдаги ўринингиз, Ўзбекистонимиз эришадиган ютуқлардаги беқиёс хиссангизни ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди”.
Аёлнинг жамиятимизда тугган ўрни — бебаҳо! Доим шундай бўлиб қолсин. Зеро, Аёлга муносабатда миллат, эртанги кун ва келажақ авлодга бўлган ҳурмат яққол намойён бўлади.



Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси матбуот хизмати.

ADOLAT YO‘LIDA BIRLASHAYLIK!

NOMZODLARIMIZGA OVOZ BERING!